# КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 53—54 (8793—8794). ● 9 март, 1986 йил ● ЯКШАНБА ● Баҳоси 5 тийин.

**Партия ҳар бир коммунистни, ҳар бир совет кишисини режаларимизни амалга ошириш, совет жамиятини такомиллаштириш, жонажон социалистик хонадонимизни янгилаш соҳасидаги катта ишга актив қўшилишга чақиради.**

(КПСС XXVII съезди материалларидан).

*КПСС XXVII СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРИ*

## СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986—1990 ЙИЛЛАРГА ҲАМДА 2000 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари тўғрисида СССР Министрлар Советининг Раиси ўрток Н. И. Рижковнинг докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, шуни уқтирадики, Асосий йўналишлар лойиҳаси янги таҳрирдаги КПСС Программасининг қоидаларига, партиянинг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган бош йўлига, фан-техника тараққиёти асосида халқ хўжалигини интенсивлаш, халқ фаровонлигини муттасил оширишни таъминлаш, мамлакат мудофаа қобилиятини муносиб даражада сақлаш вазифаларига мос келади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари тасдиқлансин.

2. СССР Министрлар Совети Асосий йўналишларга мувофиқ СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган Давлат плани лойиҳасини ишлаб чиқсин, беш йилликнинг ҳар бир йили бўйича СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикалар, энг муҳим иқтисодий районлар бўйича топшириқларни тақсимлаб қўйсин ҳамда уни 1986 йил майида СССР Олий Советининг муҳокамасига тақдим этсин.

Беш йиллик планда Асосий йўналишларда белгиланган топшириқларни ҳамда экономикани ривожлантириш суръатлари ва самарадорлигини ошириш, халқнинг турмуш даражасини янада ўстиришга эришиш тадбирларини рўёбга чиқариш кўзда тутилсин. Беш йиллик планни тузиш вақтида КПСС XXVII съездида, партиядаги ҳисобот-сайлов кампанияси ҳамда янги таҳрирдаги КПСС Программаси ва Асосий йўналишлар лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси давомида киритилган таклифлар кўриб чиқилсин.

3. КПСС XXVII съезди янги беш йиллик планни сифатли қилиб ишлаб чиқиш ва унинг аниқ бажарилишини ташкил этиш барча партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотларининг жуда муҳим иқтисодий ҳамда сиёсий вазифаси деб ҳисоблайди.

Ўн иккинчи беш йилликда ишда туб бурилишни таъминлаш, ресурсларимиз ва имкониятларимизни тўлиқроқ сафарбар этиш, барча резервларни, белгиланган режаларни сўзсиз бажариш учун ишга солиш зарур. Омманинг ижодий ташаббускорлигига кенг уфқ очиб, интизом ва тартибни мустаҳкамлаб, социал-иқтисодий тараққиётнинг ҳамма соҳаларида олға ҳаракат суръатлари оширилсин.

Съезд Коммунистик партия раҳбарлигида совет халқи коммунистик қурилишда, социалистик Ватанимиз қудратини мустаҳкамлашда янги муваффақиятларга эришади, деб қатъий ишонч билдиради.



◆ **РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахтидаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадам чевари Ирода Тўлаганова КПСС XXVII съездидан бой таассуротлар билан қадрдон корхонасига қайтиб келди. Суратда: И. Тўлаганова ҳамкасблари даврасида.**

И. Зарафшанский фотоси.

## КУЧ-ҚУВВАТ ВА ИЛҲОМ МАНБАИ

**КПСС XXVII съездида ишлаб чиқилган мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш концепциясини коммунистлар, Ўзбекистоннинг ҳамма меҳнаткашлари бажонидил қўллаб-қувватламоқдалар. Коммунистлар Бутуниттифоқ анжуманининг материалларини ўрганиш миллион-миллион совет кишилари учун куч-қувват ва илҳом манбаи бўлиб қолди. Съезд қарорлари мамлакатимиз меҳнаткашларини ҳамма ишимизни сифат жиҳатидан қайта қуриш учун актив ишлашга чорламоқда. Республикамиз халқ хўжалиги кўпгина тармоқларининг меҳнаткашлари КПССнинг тинчликсеварлик йўлини астойдил маъқуллаб, партиямиз ишлаб чиқаришни интенсивлаш соҳасида қўйган вазифаларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшишга азму қарор қилганликларини айтмоқдалар. Олға қараб интилишимизга ҳалақит бераётган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш учун курашмоқдалар. Съезд иши тўғрисида билдирилаётган кўпдан-кўп фикрлар бунинг ёрқин далилидир.**

**У. МУҲАММАДХЎЖАЕВ,**

**«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригадири**

Мен ишлаётган цехда нефтчилар ва ер қаъри разведкачилари учун геофизика кабеллари етказиб берилади. Халқ хўжалигини ёнилғи билан таъминлаш вазифасини ҳал этиш кўп жиҳатдан бизнинг иш натижаларимизга ҳам боғлиқдир. Биз КПСС XXVII съезди минбаридан ишлаб чиқариш самарадорлигини, маҳсулот сифатини ошириш учун курашни кучайтириш, моддий ресурсларни тежаб-тергаб сарфлаш ҳақида берилган кўрсатмаларни катта масъулият ҳисси билан қабул қилдик.

Мен бошлиқ бўлган бригада цехда биринчилар қатори ягона наряд билан ишлашга ўтди. Бу коллективни жипслаштирди. Интизомни мустаҳкамлади, маҳсулот сифатига ҳам ижобий таъсир ўтказди. Биз ускунани такомиллаштирдик, ишлаб чиқариш чиқитларидан фойдаланишни ўрганиб олдик. Шу билан бирга ўн биринчи беш йиллик топшириғини тўрт йилда адо этдик.

Съезд материалларини муҳокама қилар эканмиз, тўғри йўлдан бораётганлигимизга қаноат ҳосил қилдик, аммо зиммамизда турган вазифалар анча мураккаблашганини ҳам билиб турибмиз. Цехда реконструкция бошланди, янги ускуналарда ишлашни ўзлаштирмоқдамиз. Бу ускуна лойиҳадаги қувват билан ишлашига тезроқ эришиш бизнинг биринчи галдаги бурчимиздир. Меҳнат коллективининг ҳар бир ячейкасида ўз-ўзини бошқаришнинг ривожланиши, моддий рағбатлантиришнинг янги формалари ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, электр кабеллари сифатини кўтариш вазифаларини ҳал этишни енгиллаштиради. Коммунистларнинг Бутуниттифоқ анжумани қарорлари ишимизнинг ишончли компасидир. Ушбу қарорлар кучимизга куч қўшди, планларни ғайрат-шижоат билан бажариш истагини кучайтирди. Бригадамиз коллективи бу йил топшириғини камроқ составда бажаришга қарор қилди.

**А. ХОВАЙЛО,**

**Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригадири**

Яқинда бригадамизда эсимиздан чиқиб кетай деган бир иш билан шуғулланишга тўғри келди: Тошкент марказий универмагидан келган рекламацияни муҳокама қилдик. Анчадан бери бунақанги шикоят хатлари келмаганди. Чеварларимиз костюмларни беўхшов тикадиган бўлиб қолишдими? Бунчалик бўлмаса ҳам, лекин ишимиз сифат соҳасида олға силжимаяпти. Харидорларнинг эса талаби ўсмоқда, улар манфаатини ҳимоя қилаётган савдо ходимлари ҳақ.

КПСС XXVII съездида таъкидлаб ўтилганидек, биринчи навбатда зарур бўладиган товарлар дўконда сероб бўлиши учун ишлаш ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнаткаш учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Маҳсулотимиз бежирим, пишиқ бўлиши учун ишчи назоратини йўлга қўймоқдамиз. Бу назоратнинг вазифаси нуқсонни конвейернинг ўзида техника назорати бўлимига етиб бормасдан аниқлашдан иборат. Бунинг учун эса брак маҳсулот тайёрлаётган ишчи қаттиқ назорат остига олинади. Бояги рекламация муҳокама қилинаётганда ҳам шу йўлдан боришди. Бирлашмага етказилган зиённи айбдор кишилар ўз чўнтакларидан тўлашди. Энди вазифа шуки, бу йил келган биринчи рекламация охирги бўлиб қолсин. Партиямиз ана шу йўлни ҳам кўрсатиб берди. Ҳар ким ўзига ва ўртоқларига талабчан бўлиши, касб-маҳоратни ошириши, хўжалик ҳисобини такомиллаштириб бориши лозим.

Ҳамжиҳатлик шартномаси бўйича шеригимиз бўлган марказий универмаг коллективида ишимиз юзасидан эътирозлар бўлмайди, деб сўз берамиз. Тошкент бош универмагига ва «Ўзбекистон» савдо фирмаси бирлашмасига ҳам жўнатадиган маҳсулотимиз сифатли бўлади.

**(ЎзТАГ).**

## ТЎРТ ОЙЛИК ТОПШИРИҚ БАЖАРИЛДИ

ЧИРЧИҚДАГИ трансформатор заводи ишчи-хизматчилари КПСС XXVII съезди материалларини зўр қизиқиш билан ўқиб ўрганмоқдалар. Ўнлаб пропагандистлар ва агитаторлар партия XXVII съезди материаллари юзасидан цехлар ва участкаларда суҳбатлар ўтказмоқдалар, уларда олдинга сурилган вазифаларнинг тарихий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, уларни амалга оширишга ҳисса қўшиш ҳар бир коллектив, ҳар бир ишчининг муқаддас бурчи эканлигини алоҳида уқтирмоқдалар.

Корхонада тажрибали ишчилардан токарь Ашуров, сим ўровчилар Мажидов, Османов ва бошқалар шу йилнинг ўтган икки ойида деярли тўрт ойлик топшириқни бажардилар. Қўлларидан чиққан барча маҳсулотлар юқори сифат билан қабул қилинди.

**М. МАҲМУДОВ.**

**СССР—ФРАНЦИЯ:**

## *ИККИНЧИ КОСМИК ПАРВОЗ*

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Францияга қилган расмий визити вақтида эришилган олий даражадаги аҳдлашувга мувофиқ 7 март куни СССР Фанлар академияси президиумида ҳамкорликда бошқариладиган парвозга тайёргарлик кўриш тўғрисида Совет ва Франция делегациялари ўртасида протокол имзоланди. Иккинчи Совет—Франция космик экспедициясини 1988 йилда совет космик кемаси ва орбитал станциясида ўтказиш мўлжалланмоқда. Ҳар иккала мамлакат олимлари ҳозирнинг ўзидаёқ узоқ муддатли экспедиция илмий программасига тайёргарлик кўришга киришдилар.

Протоколни СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, «Интеркосмос» кенгашининг раиси академик В. А. Котельников, СССР космонавтика бош бошқармасининг бошлиғи А. И. Дунаев ва Франция космик тадқиқотлар миллий марказининг президенти Жак-Луи Лионс имзоладилар.

**(ТАСС мухбири).**

*ДАЛАЛАРДА КЎКЛАМ НАФАСИ*

## БИРИНЧИ ИШЛОВ ТУГАЛЛАНДИ

ОБЛАСТИМИЗНИНГ сабзавотчиликка ихтисослашган районларида кўкламги экиш ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, Тошкент районидаги Собир Раҳимов номли колхозда далачилик ишлари тобора авж олмоқда. Карталардаги саримсоқ ва сепма пиёз бегона ўтлардан тозаланиб, биринчи ишловдан чиқарилди. Кеч кузда пайкалларда олиб қўйилган жўяклар эндиликда қўл келаяпти. Айни дамларда хўжалик деҳқонлари 3 гектар майдонга эртаги картошка уруғи қадаб, уни плёнка остига олишди. 3 гектарга редиска, 1,5 гектарга турли резаворлар уруғини сепишди.

Съездлар йилида миришкорлар 30 гектар майдонга 2 миллион туп карам кўчати экишни мўлжаллашган эди. Шу кунларда колхознинг барча участкаларида 15 гектардан зиёд ерга карам ниҳоллари ўтқазилди.

**А. ИСАЖОНОВ.**



◆ **КАЛИНИН районидаги «Назарбек» совхози меҳнаткашлари баҳорги экиш ишларини авж олдириб юбордилар. Съездлар йилида 100 гектар майдонга эртаги картошка экишни планлаштирган деҳқонлар техникадан унумли фойдаланиб, шу кунларда ишни жадаллаштирмоқдалар.**

**Суратда: совхознинг Тиллабой Рихситиллаев бошлиқ бригадаси аъзолари (чапдан) Ф. Раҳматов, М. Исломов ва Т. Ҳусановлар.**

М. Даминов фотоси.

# СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986—1990 ЙИЛЛАРГА ҲАМДА 2000 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

(Давоми. Боши 2-бетда).

СССРнинг Озиқ-овқат программасида белгиланган йўл —мамлакатнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва қишлоқларни социал жиҳатдан қайта қуриш йўли изчиллик билан ўтказилсин. Агросаноат комплекси тармоқлари жадал ва пропорционал ривожлантирилсин, шу мақсадларга ажратиладиган ҳамма турдаги ресурсларнинг самарадорлиги оширилсин. Комплекс механизациялаш, химиялаш, электрлаштириш, ерларни мелиорациялаш, интенсив технологияларни кенг жорий этиш йўли билан қишлоқ хўжалигини индустриал негизга ўтказиш ниҳоясига етказилсин. Барча қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини анча оширишга эришилсин, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барқарорлиги таъминлансин, унинг табиий-иқлим шароитларига қарамлиги имкони борича камайтирилсин.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантиришнинг Комплекс программаси амалга оширилсин. Ноозиқ-овқат моллари ишлаб чиқариш камида 1,8-1,9 баравар ва аҳолига кўрсатиладиган хизмат ҳажми 2,1-2,3 баравар кўпайтирилсин.

Капитал қурилиш сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилсин. Қурилиш ишларини тубдан яхшилашга, ишларнинг сифатини анча оширишга ва қийматини камайтиришга эришилсин, илғор усуллар активроқ жорий этилсин, қурилишни ташкил қилиш такомиллаштирилсин, лойиҳа ечимларининг самарадорлиги оширилсин. Объектларни қуриш ва реконструкция қилиш муддатлари яқин ўн йил ичида 1,5-2 баравар қисқартирилсин.

Транспорт ҳамда электр, нефть ва газ таъминоти, алоқа, моддий-техника таъминоти системаси ва ишлаб чиқариш инфраструктурасининг бошқа тармоқлари янги техника асосида жадал ривожлантирилсин.

**Барча иттифоқдош республикаларнинг уйғун равишда иқтисодий ва социал ривожланиши таъминлансин.**

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш такомиллаштирилсин. Республикалар ва иқтисодий районлар хўжаликларининг комплекс ривожланиши ва ихтисослашуви кучайтирилсин, уларнинг мамлакат ягона халқ хўжалик комплексини мустаҳкамлашга ва социал- вазифаларни ҳал этишга қўшадиган ҳиссаси кўпайтирилсин.

**Чет эллар билан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий алоқалар ва маданий ҳамкорлик ўзаро манфаатдорлик асосида ривожлантирилсин. Халқаро меҳнат тақсимотининг, биринчи навбатда, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан меҳнат тақсимотининг афзалликларидан тўлароқ фойдаланилсин.**

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни янада ҳар томонлама ривожлантириш амалга оширилсин. Социалистик иқтисодий интеграция янада юқори поғонага кўтарилсин, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш, ҳамкорликнинг янги, самарали формалари ривожлантирилсин. 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш программаларини Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан биргаликда икки томонлама ва кўп томонлама асосда изчиллик билан амалга ошириш кўзда тутилсин.

Ривожланаётган мамлакатлар билан иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик кенгайтирилсин. Манфаатдор капиталистик давлатлар билан иқтисодий алоқалар ўзаро манфаатдорлик ва тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантирилсин.

**Бошқарув комплекс равишда такомиллаштирилсин, социалистик планли системанинг афзалликлари ва имкониятларидан яхшироқ фойдаланилсин.**

Социалистик бошқарувнинг энг асосий, ленинча принциплари ва аввало демократик централизм изчиллик билан турмушга сингдирилсин ва ривожлантирилсин. Марказий органларнинг куч-ғайрати ижтимоий ишлаб чиқаришнинг умумдавлат, тармоқлараро ва регионлараро проблемаларини ҳал этишга қаратилсин.

СССР ва иттифоқдош республикалар халқ хўжалиги тармоқларини бошқаришнинг ташкилий структураси такомиллаштирилсин.

Планларнинг илмий асосланиши оширилсин. Давлат планларини ишлаб чиқишда СССР Фан-техника тараққиёти комплекс программаси ва СССР ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш бош схемаси тўлиқроқ ҳисобга олинсин.

Бошқарувнинг иқтисодий методлари роли, бирлашма ва корхоналарнинг хўжалик мустақиллиги ҳамда иқтисодий масъулияти оширилсин. Хўжалик ҳисобини янада ривожлантириш таъминлансин, молия-кредит воситалари ва нарх системасининг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири кучайтирилсин. Сўмнинг барқарорлиги оширилсин, мамлакатдаги пул муомаласи мустаҳкамлансин.

Социалистик халқ ҳокимиятининг энг муҳим формаси — халқ депутатлари Советларининг хўжалик ва социал-маданий қурилишдаги роли кучайтирилсин. Меҳнаткашларнинг бошқарувдаги иштироки кенгайтирилсин.

Ўртага қўйилган вазифаларнинг амалга оширилиши совет жамиятини иқтисодий ва социал тараққиётнинг янада юқори поғонасига кўтаришни таъминлайди, СССР учинчи минг йилликка янада қудратли ривожланган давлат бўлиб қадам қўяди ва ўз ютуқлари билан жаҳон тараққиёти жараёнига тобора кучлироқ прогрессив таъсир ўтказаверади.

Реал даромадлар аҳоли жон бошига 13-15 процент оширилиши таъминлансин. Аҳолининг молларга ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш анча яхшиланиб, тўлов қобилиятига эга бўлган ўсиб борувчи талаб структурасидаги прогрессив ўзгаришлар эътиборга олинсин.

Социал инфраструктура тармоқлари комплекс ривожлантирилсин. Уй-жой қурилиши миқёслари кенгайтирилсин ва сифати яхшилансин, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг шинам уй-жой, коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиши оширилсин. Қишлоқларнинг социал қайта қурилиши жадаллаштирилсин.

Ҳар бир ходимнинг халқ хўжалигини юксалтириш умумий ишига қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш — белгиланган социал программани амалга оширишнинг зарур шартидир.

## III. 1986—1990 ЙИЛЛАРДА СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Келгуси ўн беш йилликнинг стратегик вазифаларини амалга оширишда ўн иккинчи беш йиллик жуда муҳим роль ўйнайди. Бу беш йиллик мамлакат иқтисодий ва социал ривожининг ҳамма йўналишларида бурилиш беш йиллиги бўлиб қолиши керак.

**Ўн иккинчи беш йилликнинг бош вазифаси фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкциялаш, барпо этилган ишлаб чиқариш потенциалидан интенсив фойдаланиш, бошқарув системасини, хўжалик механизмини такомиллаштириш негизида экономикани ривожлантириш суръатлари ва самарадорлигини оширишдан ҳамда шу асосда совет халқининг фаровонлигини янада юксалтиришдан иборат.**

Ўн иккинчи беш йилликда одамларнинг турмушини яхшилаш, халқ хўжалигининг барча тармоқларини узлуксиз ривожлантиришга эришиш ва мамлакатнинг мудофаа қобилиятини лозим даражада сақлаш билан боғлиқ бўлган кенг доирадаги вазифалар айни бир вақтда ҳал этилиши керак.

Ўн иккинчи беш йилликнинг бош вазифасига асосланиб: истеъмол ва жамғарма учун ишлатиладиган **миллий даромад** 19—22 процент **кўпайтирилсин.** Унинг бутун ўсиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминлансин. Ижтимоий маҳсулотга материал сарфи 4—5 процент озайтирилсин. Миллий даромадга энергия сарфи 7—9 процент ва металл сарфи 13—15 процент камайтирилсин.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 21-24 процент, шу жумладан ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш («А» группа) 20-23 процент ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш («Б» группа) 22-25 процент кўпайтирилсин.

Саноатнинг ишланма тармоқлари илдам суръатлар билан ривожлантирилсин. Ёқилғи-хом ашё тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш 11—13 процент кўпайтирилгани ҳолда саноатнинг ишланма тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 25-28 процент оширилсин. Мамлакатнинг ёқилғи ва энергияга ошиб бораётган эҳтиёжлари асосан ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш, атом энергетикасини, газ саноатини ва очиқ усулда кўмир қазиб чиқаришни жадал ривожлантириш ҳисобига қондирилсин.

Машинасозликни ривожлантириш жадаллаштирилсин, унинг техникавий даражаси оширилсин. Металлургияни реконструкциялаш ва модернизациялашнинг белгиланган программаси амалга оширилсин. Халқ хўжалигини химиялаштириш ва электрлаштириш суръатлари тезлаштирилсин.

СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш, агросаноат комплекси тармоқларини балансли ривожлантириш, уларга ажратиладиган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини анча ошириш таъминлансин.

Капитал маблағлар биринчи галда ишлаб турган корхоналарни реконструкциялашга ва техника жиҳатидан қайта қуроллантиришга сарфлансин, ишлаб чиқариш қурилишида шу мақсадга ажратилаётган капитал маблағлар улуши 50 процентгача кўпайтирилсин. Қурилиш ишларини янада индустрлаш йўли изчиллик билан ўтказилсин.

Ишлаб чиқариш инфраструктураси тармоқлари комплекс ривожлантирилсин. Халқ хўжалигининг ва аҳолининг юк ташишга ҳамда бошқа турдаги хизматларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш яхшилансин.

Фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиш, ишлаб чиқариш структурасида ва унинг ташкил этилишида прогрессив силжишларни амалга ошириш, меҳнат, технология **ва давлат интизомини мустаҳкамлаш асосида ишлаб чиқаришни интенсивлашда бурилиш** ясашга эришилсин.

Аввало кам самарали асбоб-ускуналарни прогрессив, серунум асбоб-ускуналар билан тезроқ алмаштириш ҳисобига **ишлаб чиқариш аппаратини янгилаш** жадаллаштирилсин. Ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари ёппасига ҳисоб-китоб қилиб чиқилсин. Улар актив қисмининг учдан бир қисмидан кўпроғи янгилансин. Эскирган асосий фондларнинг ишлаб чиқаришдан чиқиб кетиш ҳажмлари ўн биринчи беш йилликка нисбатан камида 2 баравар кўпайтирилсин.

Замонавий техника ва илғор технология асосида ҳар бир тармоқда, бирлашма ва корхоналарда ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкциялаш, уни узлуксиз янгилашнинг комплекс программалари ишлаб чиқилиб, жорий этилсин. Бирлашма ва корхоналарни техника билан қайта таъминлашда ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондларининг ролини ошириб, мазкур фондларнинг маблағларини шу мақсадларга биринчи навбатда сарфлаш таъминлансин.

Барпо этилган ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалидан интенсивроқ фойдаланилсин. Ишлаб чиқаришни бир меъёрда ишлашига, машина-ускуналарнинг максимал ишлаши таъминланишига эришилсин, уларнинг сменалаб ишлаши анча оширилсин.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш яхшилансин. Ижтимоий меҳнат унумдорлиги 20-23 процент, шу жумладан саноатда 23-25 процент оширилсин. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришнинг, шунингдек темир йўл транспортида юк ташиш ва қурилишдаги ишлар ҳажмининг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилсин. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг кўпайишига нисбатан меҳнат унумдорлигининг илдамроқ ўсиши таъминлансин.

Экономикани интенсивлашнинг ҳамда халқ хўжалиги ва аҳолининг ошиб бораётган эҳтиёжларини янада тўлиқ қондиришнинг муҳим омили бўлмиш маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини тубдан ошириш биринчи даражали аҳамиятга молик иш деб ҳисоблансин.

Тежамкорлик режими кучайтирилсин. Ҳамма турдаги ресурсларни оқилона ва тежаб-тергаб сарфлашга, уларнинг нобуд бўлишини камайтиришга сабот билан эришилсин, ресурсларни тежайдиган ва чиқитсиз технологияларга ўтиш жадал амалга оширилсин. Ишлаб чиқаришнинг иккиламчи ресурслари ва чиқитларидан фойдаланиш анча яхшилансин, уларни қайта ишлайдиган ишлаб чиқариш қувватлари ривожлантирилсин, иккиламчи хом ашёни тўплашни, шу жумладан аҳолидан тўплашни ташкил этиш такомиллаштирилсин, тайёрлов ташкилотларининг моддий-техника базаси мустаҳкамлансин. Турмушда энергетика ресурслари ва бошқа ресурслардан омилкорлик билан фойдаланилсин.

1990 йилда 1985 йилга нисбатан халқ хўжалигида 200-230 миллион тонна, шу жумладан атом энергетикасини ривожлантириш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ҳисобига 75-90 миллион тонна шартли ёқилғи миқдоридаги органик ёқилғининг тежалиши; 12-14 миллион тонна миқдорида қора металл прокати тежалиши таъминлансин.

Саноатдаги маҳсулот ва ишларнинг таннархи 4-5 процент, қурилишда—2-3 процент, қишлоқ хўжалигида (совхозларда)—5-7 процент камайтирилсин.

Халқ хўжалиги ресурсларининг обороти жадаллаштирилсин, товар-материал бойликларининг нормативдан ортиқча запасларига йўл қўйилмасин. Маҳсулот етказиб берувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги бевосита ва узоқ муддатли хўжалик алоқалари, материаллар ва машина ускуналарнинг улгуржи савдоси ривожлантирилсин ва такомиллаштирилсин.

Аввало тараларнинг тежамли турларини ишлаб чиқаришни илдам кўпайтириш, уларни унификация қилиш ва стандартлаштириш, улардан такрорий фойдаланиш ҳисобига халқ хўжалигининг тараларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш тадбирлари комплекси амалга оширилсин.

Юксак самарали меҳнат қилиш учун янада қулайроқ шарт-шароитлар яратилсин, ишлаб чиқаришнинг санитария-гигиена шароитлари ва хавфсизлик техникаси яхшилансин, маданияти оширилсин. Меҳнатни илмий ташкил қилиш, коллектив пудрат активроқ жорий этилсин, иш вақтидан оқилона фойдаланилсин. Иш жойларини планлаштириш, ҳисобга олиш, аттестациядан ўтказиш ва оқилона ташкил этишнинг ягона умумдавлат системаси вужудга келтирилсин. Айниқса юк ортиш-тушириш, омбор ишларида ва бошқа ёрдамчи ишларда қўлда бажариладиган ва оғир жисмоний меҳнат изчиллик билан камайтириб борилсин.

Ишлаб чиқаришни тармоқ ва территориал асосда ихтисослаштириш, кооперациялаш ва уни комбинациялаш кенг ривожлантирилсин.

**Халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини янада юксалтириш** тадбирлари системаси амалга оширилсин.

## IV. ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА ФАННИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Энг муҳим сиёсий ва хўжалик вазифаси ҳал этилиши таъминлансин — фан-техника тараққиёти ҳар томонлама жадаллаштирилсин. Ишлаб чиқарувчи кучларни ўзгартиришда, экономикани ҳар томонлама интенсивлаш изига кўчиришда, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда фан ва техниканинг роли қатъиян юқори кўтарилсин. Фан-техника тараққиётини социал вазифаларни ҳал этишга йўналтириш кучайтирилсин.**

Аввало инвестиция ва структура сиёсатини қайта қуриш, ресурсларни фан-техника тараққиётининг энг муҳим соҳаларига жамлаш — электроникани, атом энергетикасини, комплекс автоматлаштиришни, янги материаллар ишлаб чиқариш ҳамда уларга ишлов бериш технологиясини ривожлантириш ҳисобига ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини тубдан оширишга эришилсин. Беш йиллик мобайнида ижтимоий меҳнат унумдорлиги ўсишининг камида учдан икки қисмига фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш ҳисобига эришилсин.

Ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш тадбирлари комплекси амалга оширилсин. Илғор базавий технологияларни қўлланиш ўн иккинчи беш йилликда 1,5-2 баравар кенгайтирилсин. Электрон-нур, плазмавий, импульсли, биологик, радиацион, мембранали, химиявий технологиялар ҳамда меҳнат унумдорлигини кўп марталаб ошириш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини кўтариш ва ишлаб чиқаришдаги энергия ва материал сарфини камайтириш имконини берадиган бошқа принципиал янги технологиялар халқ хўжалигига кенг жорий этилиши таъминлансин. Деҳқончилик ва чорвачиликда индустриал, интенсив технологияларга ўтилсин, биотехнология ва ген инженерияси методларидан кенг фойдаланилсин.

Ишлаб чиқаришнинг ташкилий ва технологик мослашувчанлиги изчил кучайтирилсин. Хўжалик фаолиятининг турли соҳаларига ва аввало, лойиҳалашга, асбоб-ускуналарни ва технология жараёнларини бошқаришга автоматлаштирилган системалар жорий қилинсин. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш даражаси тахминан икки баравар оширилсин. Тез ва тежамли қайта қуриладиган комплекс автоматлаштирилган ишлаб чиқариш барпо этилсин.

Юқори самарали техниканинг янги туркумларини яратиш ва ишлаб чиқара бошлаш жадаллаштирилсин. Машиналар системалари ва технологик асбоб-ускуналарнинг комплексларини ишлаб чиқаришга ўтилсин. Ишлаб чиқарилаётган техникани янгилаш суръатлари анча оширилиб, 1990 йилда янги машиналар, ускуналар ва асбоблар ишлаб чиқаришнинг улуши машинасозлик маҳсулоти жами ҳажмининг камида 13 процентига етказилсин.

Шахсий фойдаланиладиган компьютерларни кўплаб ишлаб чиқариш ташкил қилинсин. Ҳисоблаш техникаси ишлаб чиқариш ҳажмининг 2-2,3 баравар кўпайтирилиши, пишиқ-пухталиги оширилиши таъминлансин. Ҳамма классдаги замонавий серунум электрон-ҳисоблаш машиналарини қўлланиш миқёслари тез суръатлар билан оширилсин. Коллектив тарзда фойдаланиладиган ҳисоблаш марказларини, маълумотларнинг йиғма банкларини, ахборотларни ишлаш ва узатиш тармоқларини барпо қилиш давом эттирилсин ва уларнинг иш самарадорлиги оширилсин.

Янги техника ва технологияни ишлаб чиқишда хоссалари олдиндан белгилаб қўйилган материалларнинг, айниқса прогрессив конструкцион материаллар, шу жумладан синтетик, композицион, ўта соф материаллар ва халқ хўжалигида юксак иқтисодий самарадорликни таъминлайдиган бошқа материалларнинг имкониятларидан яна ҳам тўлароқ фойдаланилсин.

Олий сифат категориясидаги саноат маҳсулотининг улуши 1,9-2,1 баравар кўпайтирилсин, техниканинг пухталиги ва иш ресурси оширилсин, сифатни бошқариш комплекс системаларини жорий қилиш асосан тугаллансин. Маҳсулотнинг стандартлари ва техникавий шартларини қайта кўриб чиқиш жадаллаштирилиб, улар дунёдаги юксак ютуқлар даражасига етказилсин. Халқ хўжалигига метрология хизмати яхшилансин. Маҳсулот сифатига холисона баҳо берилишини таъминлаш учун саноат маҳсулотини аттестациялаш даражаси оширилсин. Истиқболли фан-техника ютуқлари асосида технологияларни типлаштириш ривожлантирилсин, машиналар, узеллар ва деталларнинг тармоқда ва тармоқлараро унификация қилиниши чуқурлаштирилсин.

Меҳнаткашларнинг фан-техника ижодкорлиги рағбатлантирилсин.

Ихтирочилик ва патент-лицензия иши яхшилансин. Ихтиролар ва рационализаторлик таклифларининг халқ хўжалигига тезроқ жорий этилиши учун зарур шароитлар яратилсин. Фан-техника ахбороти давлат системаси ривожлантирилсин. Фан ва техника ютуқларини айирбошлаш такомиллаштирилсин. Илмий-техника жамиятларининг иши кучайтирилсин.

Фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқасини мустаҳкамлаш, фан-техника ва ишлаб чиқариш интеграциясининг илмий ғоялар туғилишидан тортиб то амалда кенг қўлланилгунча бўлган ишларнинг аниқ ва тез бажарилишини таъминлаш имконини берадиган ташкилий формаларини вужудга келтириш жуда муҳим вазифадир. Тадқиқотлар ва ечимларнинг савияси учун, улардан тўла-тўкис фойдаланилиши учун илмий ташкилотларнинг масъулияти кучайтирилсин.

СССР Фан ва техника давлат комитетининг фан-техника тараққиёти муҳим йўналишларини белгилашдаги, тармоқлараро йирик фан-техника проблемаларини ҳал этишдаги, принципиал янги техника ва технологияни ишлаб чиқишни ташкил этишдаги, тармоқларнинг илмий-техник даражасини, ишлаб чиқаришнинг дунёдаги энг яхши ютуқларга мувофиқлигини, илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ва технология ташкилотларини шакллантиришни контрол қилишдаги роли ва масъулияти оширилсин.

СССР Фанлар академиясининг мамлакатдаги илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштирувчилик роли оширилсин, техника ва технология принципиал янги турларининг назарий асослари яратилиши учун унинг масъулияти кучайтирилсин. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг сифат жиҳатидан янада юқори поғонага чиқишини олдиндан белгилаб берувчи фундаментал фанни ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият берилсин. Академия институтларининг ишидаги техникавий йўналиш кучайтирилсин. Тармоқ академиялари ва республикалар академияларининг фаолияти кучайтирилсин.

Тармоқ фанининг даражаси ва натижадорлиги сезиларли оширилсин, унинг завод сектори мустаҳкамлансин. Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари кенгайтирилиб, уларнинг диққат-эътибори асбоб-ускуналар ва технология комплексларининг янги туркумларини яратишга ва кенг жорий этишга, ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини мунтазам такомиллаштиришга қаратилсин. Тармоқ илмий-тадқиқот, конструкторлик ва технология ташкилотлари илмий-ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда корхоналари составига киритилиб, бутун куч-ғайратини умумтармоқ характеридаги тадқиқотларни ўтказишга сарфлаётган бош ташкилотларгина, одатдагича, министрликлар ва идораларнинг бевосита қарамоғида қолдирилсин. Фан-техника тараққиётини таъминлашда, фан ва техника ютуқларидан ўз вақтида фойдаланишда корхоналарнинг конструкторлик, технология ва бошқа инженерлик хизматлари роли оширилсин.

Олий мактабнинг илмий потенциалидан анча яхшироқ фойдаланиш чоралари кўрилсин, ўтказилаётган илмий-тадқиқотлар ва ечимларнинг ҳажми сезиларли кенгайтирилсин, уларнинг халқ хўжалигидаги самарадорлиги кескин оширилишига эришилсин.

Илмий фаолиятни ташкил этишнинг қисқа муддатларда йирик тармоқлараро илмий-техника проблемаларини ҳал этиш имконини берадиган янги, илғор формалари кенг қўлланилсин. Техника ва технологиянинг принципиал янги турларини ишлаб чиқиш ва кенг миқёсда жорий қилиш учун тармоқлараро илмий-техника комплекслари ва марказлари вужудга келтирилсин. Илм-фаннинг академия, тармоқ ва олий ўқув юрти секторлари ўзаро баҳамжиҳат ишлаши яхшилансин.

Фан соҳасидаги иқтисодий механизм такомиллаштирилиб, илмий коллективларни ва айрим ходимларни моддий рағбатлантириш уларнинг фан-техника проблемаларини ҳал этишга қўшган реал ҳиссаси билан боғланишига эришилсин.

Ижтимоий, табиий ва техника фанларининг кучлари иқтисодий ва социал тараққиётнинг жадаллашувини таъминлайдиган энг муҳим стратегик йўналишларга қаратилсин.

**Ижтимоий фанлар соҳасида** социализмни планли ва ҳар томонлама такомиллаштириш проблемалари, коммунизм сари аста-секин олға силжиш йўллари ва воситаларини тадқиқ қилиш кучайтирилсин, илмий-тадқиқотларнинг ғоявий-назарий савияси ва амалий моҳияти оширилсин. Диалектик ва тарихий материализм, илмий коммунизм, сиёсий иқтисоднинг актуал проблемалари, КПССнинг тобора ошиб бораётган раҳбарлик роли масалалари, халқаро коммунистик, ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракати тажрибаси янада чуқурроқ ўрганилсин. Социалистик экономика, планлаштириш, бошқариш, меҳнат, молия ва нарх ҳосил қилиш ҳамда статистика соҳасидаги назарий тадқиқотлар савияси оширилсин. Сиёсий системанинг, социалистик демократиянинг, давлатчиликнинг ва социалистик ўз-ўзини бошқаришнинг ривожланиши, СССР миллатлари ва элатларининг янада яқинлашуви жараёнлари чуқурроқ ўрганилсин. Фан-техника тараққиётининг социал-иқтисодий проблемаларини тадқиқ этиш кенгайтирилсин. Социалистик ҳамдўстликнинг ривожланиш объектив қонуниятларини ва тажрибасини, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг иқтисодий интеграциясини кучайтириш йўлларини, капитализмнинг умумий кризиси чуқурлашуви, халқларнинг тинчлик ва социал тараққиёт учун кураши кучайиши жараёнларини ўрганиш давом эттирилсин. Ҳар қандай шаклдаги буржуа ва реформистик идеология, ревизионизм ва догматизм актив фош қилинсин.

**Табиий ва техника фанлари соҳасида** ўз натижалари билан ишлаб чиқарувчи кучларда чуқур сифат ўзгаришларини, маҳсулот, техника ва технологиянинг принципиал янги турларини яратишни таъминлашга имкон берувчи тадқиқотлар кенгайтирилсин. Назарий ва амалий математика, информатика ва кибернетика, элементар зарралар, атом ядроси ва қаттиқ жисмлар физикаси, микро ва квант электроникаси ҳамда оптика, радиофизика, шунингдек атом ва термоядро энергетикаси соҳасидаги, электр энергиясини бошқа турга айлантириш ва узатиш, энергиянинг ноанъанавий манбаларини ўзлаштириш соҳасидаги тадқиқотлар ривожлантирилсин. Механика проблемалари, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш назарияси масалалари кенгроқ тадқиқ қилинсин. Катализ, химиявий технология, биотехнологиянинг, шунингдек янги конструкцион материаллар яратишнинг илмий асослари ишлаб чиқилсин. Физикавий-химиявий биология, медицина ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун физиологик актив моддалар ҳосил қилишнинг илмий асослари ривожлантирилсин; иммунология ва вирусология, генетика ва селекция проблемалари, энг кўп тарқалган касалликларнинг олдини олиш, диагноз қўйиш ва даволаш методлари ҳамда воситалари ишлаб чиқилсин. Ер қобиғи, биосфера, жаҳон океани ва атмосферанинг тузилиши ҳамда эволюцияси, космик фазо, шунингдек коинот комплекс тадқиқ қилинсин.

Илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги ишлар такомиллаштирилсин.

Фаннинг моддий-техника таъминотини яхшилаш тадбирлари амалга оширилсин. Фаннинг тажриба-ишлаб чиқариш базаси мустаҳкамлансин, фан объектлари қурилишига сарфланаётган капитал маблағларнинг камида ярми ана шу базанинг ривожланиши учун сарфлансин.

Илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадида илмий ташкилотлар ва олий ўқув юртларини замонавий приборлар, ускуналар, автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси воситалари, материаллар ва препаратлар билан таъминлаш жиддий яхшилансин.

## V. ОҒИР САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Оғир саноатнинг асосий вазифалари халқ хўжалигини ёқилғи-хом ашё ресурслари, машиналар, асбоб-ускуналар ва бошқа замонавий ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашдан, аҳоли учун юқори сифатли товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан, тармоқларининг иш самарадорлигини оширишдан иборат.**

Ана шу вазифаларни бажариш учун:

ўзининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан энг яхши жаҳон намуналарига мувофиқ келадиган, ташқи бозорда рақобатлаша оладиган юксак самарали маҳсулот ишлаб чиқаришга кенг кўламда ўтилсин. Янги техника ва технологияни ўзлаштириш муддатлари кескин қисқартирилсин;

оғир саноатнинг структураси такомиллаштирилсин, тармоқлараро ва тармоқ ичидаги мутаносибликлар яхшилансин. Машинасозлик, атом энергетикаси, газ, химия ва нефть химияси саноати, прогрессив конструкцион материаллар ишлаб чиқариш жадал ривожлантирилсин, ихтисослаштириш ва кооперациялаш кенгайтирилсин;

(Давоми 4-бетда).

# СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986—1990 ЙИЛЛАРГА ҲАМДА 2000 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**(Давоми. Боши 2, 3, 4, 5 ва 6-бетларда).**

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишда кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши таъминлансин. Ўқувчиларни меҳнатга ўргатиш ва ўрта мактабнинг ҳар бир битирувчиси оммавий касблардан бирини эгаллаб олиши учун зарур шарт-шароитлар яратилсин. Ёшларни касбга йўналтириш иши такомиллаштирилсин.

Ҳунар-техника таълими системаси ривожлантирилсин, фан-техника тараққиёти талабларига биноан бевосита ишлаб чиқаришда малакали ишчилар тайёрлаш яхшилансин. Мураббийлик формалари такомиллаштирилсин.

Олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлашда ўқитишнинг самарали методлари ва мақсадли формалари жорий этилсин. Олий мактабда кенг профилдаги мутахассислар тайёрлаш йўли амалга оширилсин.

Халқ хўжалигида мутахассислардан, айниқса инженер-техник кадрлардан фойдаланиш анча яхшилансин. Барча тармоқларда фан-техника тараққиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда ишчи ва мутахассисларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш системаси ривожлантирилсин.

Мактабларнинг, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг моддий базаси мустаҳкамлансин. Кабинетлар, устахоналар ва лабораторияларнинг замонавий ускуналар, приборлар, асбоб ва ўқув қўлланмалари билан таъминланиши яхшилансин. Ўқув жараёнига информатика ва электрон-ҳисоблаш техникаси активроқ жорий этилсин. Беш йиллик мобайнида 7 миллион ўринли умумий таълим мактаблари ва камида 810 минг ўринли ҳунар-техника билим юртлари қурилсин.

Совет кишиларини ғоявий-сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий, бадиий ва эстетик тарбиялашда, уларнинг маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, уларнинг коммунистик дунёқарашини шакллантиришда **социалистик маданият ва санъат, оммавий ахборот воситаларининг роли оширилсин.**

Маданият ва санъатнинг моддий базаси ривожлантирилсин ва мустаҳкамлансин. Жойларда, айниқса шаҳарлардаги янги уй-жой районлари ва қишлоқ аҳоли пунктларида район маданият уйлари ва муассасалари тармоғи кенгайтирилсин. Аҳолига кино хизмати кўрсатиш такомиллаштирилсин, кинофильмларнинг, айниқса болалар ва ёшларга аталган кинофильмлар, шунингдек спектакллар, концерт программалари, бадиий кўргазмаларнинг ғоявий ва бадиий савияси оширилсин. Аҳоли, аввало ёшлар бадиий ҳаваскорлик ижодкорлигига кенг жалб этилсин. Аҳолига кутубхона хизмати кўрсатиш яхшилансин.

Аҳолининг вақтли матбуот, ижтимоий-сиёсий, илмий-техникавий, бадиий, ўқув ва болалар адабиёти нашрларига эҳтиёжи тўлароқ қондирилсин. Нашриёт ишининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тадбирлари амалга оширилсин. Архив муассасалари иши яхшилансин.

## XI. АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг самарадорлиги оширилсин. Кам чиқитли ва чиқитсиз технологик жараёнлар кенг жорий этилсин. Табиий ресурслар, хом ашё ва материаллардан тўла ва комплекс фойдаланишни таъминлайдиган, атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатишга барҳам берадиган ёки уни жиддий равишда камайтирадиган комбинациялашган ишлаб чиқаришлар ривожлантирилсин.

Мамлакатнинг сув ресурсларини муҳофаза қилиш изчил яхшиланиб борилсин. Байкал кўлини, Балтика, Каспий денгизлари, Қора денгиз ва Азов денгизи ҳавзаларини муҳофаза қилиш юзасидан асосий тадбирларнинг бажарилиши ниҳоясига етказилсин. Арктика ҳавзаси, Ўрта Осиё ва Қозоғистон сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш, шунингдек кичик дарёлар ва сув омборлари ҳолатини яхшилаш юзасидан комплекс тадбирларни амалга ошириш давом эттирилсин. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланилсин. Тозалаш иншоотлари ва қурилмалари ишининг самарадорлиги оширилсин. Тозаланган оқова ва кон сувларидан суғориш ҳамда халқ хўжалигининг бошқа эҳтиёжлари учун фойдаланиш кенгайтирилсин.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш кучайтирилсин. Шу мақсадда технологик жараёнлар, ускуналар ва транспорт воситалари такомиллаштирилсин, хом ашё ва ёқилғи сифати яхшилансин, саноат чиқитлари ва бошқа чиқитларни тозалаш учун юқори самарали қурилмалар жорий этилсин.

Ердан оқилона фойдаланиш, уни шамол ва сув эрозиясидан, селдан, кўчкилардан, сув босишидан, ботқоқланишдан, қуриб қолишдан ва шўр босишдан ҳимоя қилиш таъминлансин. Экинзорларнинг сақланишини яхшилаш, ўрмон иҳотазорларини яратиш ишлари кучайтирилсин, 660 минг гектарга яқин ер қайтадан экинзорга айлантирилсин. Экинлар ва ўрмонларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда инсонга ва ҳайвонот дунёсига зарарсиз методларни қўллаш муттасил кенгайтириб борилсин.

Ер ости бойлигини муҳофаза қилиш ва минерал ресурслардан комплекс фойдаланиш яхшилансин. Қазилма бойликларни қазиб олишда, бойитиш ва қайта ишлашда бўладиган нобудгарчиликлар камайтирилсин. СССРнинг иқтисодий зонаси ва СССР атрофидаги денгизларнинг қуруқликка яқин қисмларида табиий муҳитнинг сақланиши таъминлансин.

Шаҳарлар ва посёлкаларда кўкаламзор зоналарни яратиш ва ободонлаштириш давом эттирилсин, қўриқхоналар тармоғи, миллий парклар, заказниклар ва бошқа қўриқланадиган табиий территориялар тармоғи кенгайтирилсин. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, кўпайтириш ва улардан оқилона фойдаланиш ишлари кучайтирилсин.

Табиий муҳитнинг ва ифлосланиш манбаларининг ҳолатини давлат йўли билан контрол қилишнинг таъсирчанлиги кучайтирилсин, бу хизматнинг самарали автомат асбоб ва ускуналар билан техник жиҳозланиши яхшилансин. Бу ишда жамоат ташкилотлари ва аҳолининг иштирок этиш форма ва методлари кенгайтирилсин. Совет кишилари табиий бойликларни сақлаш ва кўпайтириш, улардан тежаб-тергаб фойдаланиш учун юксак масъулиятни сезиш руҳида тарбиялансин. Мамлакатда табиатни муҳофаза қилиш ишини бошқариш такомиллаштирилсин.

## XII. ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ, ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг территориал структураси такомиллаштирилсин, ҳар бир иттифоқдош республикада ва ҳар бир иқтисодий районда иқтисодий ривожланиш билан социал ривожланиш оқилона бирга қўшиб олиб борилиши таъминлансин, мамлакатнинг ягона халқ хўжалик комплексида уларнинг ўзаро алоқаси яхшилансин.

Иқтисодий, социал ва табиий шароитларнинг территориал хусусиятларини, кўп энергия талаб қилувчи ишлаб чиқаришлар Сибирь ва Шимолий Қозоғистоннинг ёқилғи-энергетика базаларига яқинлаштирилиши зарурлигини тўлароқ эътиборга олиб, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда бундан буён ҳам илғор силжишлар амалга оширилсин. Ўрта Осиё, Жанубий Қозоғистон ва Закавказье районларида меҳнат ва табиий ресурслардан тўлиқроқ фойдаланилсин. Мамлакатнинг Европа районлари ва Урал экономикаси асосан моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги ходимлар сонини камайтириб, ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш ҳисобига ривожлантирилсин. Территориал-ишлаб чиқариш комплексларини ва саноат узелларини вужудга келтириш практикаси кенгайтирилсин ва такомиллаштирилсин. Иш жойлари миқдорининг мавжуд меҳнат ресурсларига мувофиқлиги тармоқ ва территориал жиҳатдан таъминлансин.

Мамлакатнинг шарқий районларида ишлаб чиқариш потенциалини жадал кўпайтириш ва табиий ресурсларни ўзлаштириш давом эттирилсин. Уларнинг хўжалиги комплекс ривожлантирилсин, ишлаб чиқариш ва социал инфраструктура тармоқларини илдам ўстиришга эришилсин. Шимолнинг энг самарали табиий ресурслари хўжалик оборотига жалб қилинсин.

Йирик шаҳарларда аҳолига хизмат қиладиган объектлардан ташқари янги саноат корхоналарини барпо этиш чеклансин. Кичик ва ўрта шаҳарлар ҳамда ишчи посёлкаларининг хўжалигини ривожлантириш имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланилсин, шу жойларда чоғроқ ихтисослаштирилган корхоналар, ишлаб турган завод ва фабрикаларнинг филиаллари ва айрим цехлари, шунингдек қишлоқ хўжалигига хизмат қилиш, унинг маҳсулотини қайта ишлаш ва маҳаллий хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган корхоналар жойлаштирилсин.

Иттифоқдош республикалар иқтисодий ва социал ривожланишининг қуйидаги асосий йўналишлари белгилансин:

**Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси**да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 20-23 процент кўпайтирилсин. Машинасозлик, газ, химия ва микробиология саноати жадал суръатлар билан ривожлантирилсин. 1990 йилда электр энергия ҳосил қилиш 1120-1160 миллиард киловатт-соатга, нефть ва газ конденсати қазиб чиқариш 560—575 миллион тоннага, газ олиш 640—650 миллиард куб метрга, кўмир қазиб чиқариш 440-445 миллион тоннага етказилсин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 13-15 процент кўпайтирилсин. 1990 йилда дон етиштириш 140-142 миллион тоннага, қанд лавлаги етиштириш 31-32 миллион тоннага, картошка етиштириш 45-47 миллион тоннага, сабзавот етиштириш 14,5-15 миллион тоннага, гўшт етиштириш (сўйилган вазнда) 10-10,2 миллион тоннага, сут етиштириш 54-55 миллион тоннага, тухум етиштириш 45-46 миллиард донага етказилсин. Беш йиллик мобайнида 1 миллион 485 минг гектар суғориладиган ер фойдаланишга топширилсин ҳамда 1 миллион 630 минг гектар ботқоқ ва захкаш ерларнинг захи қочирилсин. Захини қочириш талаб қилинмайдиган 6 миллион гектарга яқин ерда маданийлаштириш-техникавий ишлар ўтказилсин.

РСФСР Европа қисмининг энергетика базаси мустаҳкамлансин. Калинин атом электр станцияси ва Смоленск атом электр станциясининг иккинчи навбати қуриб битказилсин, Курск, Балаково, Татаристон, Ростов атом электр станцияларида, Горький ва Воронеж атом иссиқлик таъминоти станцияларида қувватлар ишга туширилсин ҳамда Кострома атом электр станциясини ва Волгоград атом теплоэлектр централини қуриш авж олдириб юборилсин. Красноярск атом электр станциясини, шунингдек Кола атом электр станциясининг учинчи навбатини қуришга киришилсин. Ирғанай ГЭСини қуриш жадаллаштирилсин, Загорск гидроаккумуляция электр станцияси фойдаланишга топширилсин, Ленинград гидроаккумуляция электр станцияси қурилиши авж олдириб юборилсин.

РСФСР Ноқоратупроқ зонаси агросаноат комплексининг янада ривожланиши ва самарадорлигини ошириш таъминлансин. Уй-жой, йўллар, хизмат соҳаси объектлари қурилиши кенг миқёсда давом эттирилсин, қишлоқ аҳолисининг меҳнат ва турмуш шароитлари яхшилансин.

Москва ва Ленинград шаҳарларида, Москва ва Ленинград областларида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва мамлакат халқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш учун барпо этилган илмий ва ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланилсин. Ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш, замонавий технологияларни, эпчил автомат системалар ва робот техникасини кенг қўллаш, тармоқлараро ишлаб чиқаришларни ихтисослаштиришни чуқурлаштириш ҳамда ўстириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билангина ишлаб чиқаришни ривожлантира бориб, иш ўрни миқдорини қисқартириш таъминлансин. Москва ва Ленинград шаҳарларида бундан буён ривожлантирилиши иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган ишлаб чиқаришлар ва корхоналарни тугатиш жадаллаштирилсин. Москва шаҳри территориясидан ва унинг ўрмон-парк минтақасидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларини эътиборга олиб, оқилона фойдаланилсин. Москва шаҳри билан Москва областининг, Ленинград шаҳри билан Ленинград областининг ўзаро боғланган комплекс ривожлантирилиши таъминлансин. Ленинград шаҳрини сув тошқинидан муҳофаза қилувчи иншоотлар қурилиши давом эттирилсин.

Тиман—Печора территориал-ишлаб чиқариш комплексини янада ривожлантириш таъминлансин, кўмир шахталари қуриш, янги нефть конларини ишга тушириш тезлаштирилсин, боксит ва титан маъданларини қазиб чиқариш билан боғлиқ тайёргарлик ишлари бошлаб юборилсин. Кола ярим оролининг фойдали қазилмаларидан янада комплекс фойдаланилсин.

Курск магнит аномалияси территориал-ишлаб чиқариш комплексида темир руда қазиб оладиган ва бойитадиган, электр-пўлат, прокат ишлаб чиқарадиган янги қувватлар барпо этилсин, коннинг устки қатламидан чиққан жинслардан ва кон бойитиш корхоналарининг чиқитларидан тўлиқроқ фойдаланилсин. Орел пўлат прокат заводида совуқ усулда катанка қилинган ленталар ишлаб чиқарувчи цехлар қурилсин. Марказий Қоратупроқ иқтисодий районининг оғир саноати билан агросаноат комплексини ривожлантириш оқилона бирга қўшиб олиб борилсин.

Мари АССРнинг Волжск шаҳрида озиқ-овқат саноати, савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш учун технология асбоб-ускуналари ишлаб чиқарадиган саноат комплексининг асосий объектлари, шунингдек Волжск қувур заводида нефть турлари учун занглмайдиган металлдан қувурлар ишлаб чиқарадиган цех қурилсин. Астрахань газ-конденсат кони негизида вужудга келтирилаётган саноат узелида газ, конденсат қазиб чиқарадиган ва қайта ишлайдиган ҳамда олтингугурт ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилсин. Волга-Ахтуба дарёларининг қайирлари самарали ўзлаштирилсин.

Уралдаги Бошқирдистон, Жанубий Урал ва Белоярск атом электр станцияларида, Пермь ГРЭСи ва Челябинск ТЭЦида янги қувватлар ишга туширилсин.

Магнитогорск металлургия комбинатидаги пўлат эритувчи ишлаб чиқаришнинг биринчи навбати ва камқувват металлургия заводлари реконструкция қилинсин.

Сибирнинг экономикасини жадал ривожлантириш таъминлансин. Бу регионда ёқилғи-энергетика базасининг қувватларини кўпайтириш ишлари кучайтирилсин. Минерал хом ашё ва ўрмон ресурсларини комплекс қайта ишлашни таъминлаш, кўп энергия талаб қиладиган саноат тармоқларининг умумиттифоқ ишлаб чиқаришида регионнинг улушини кўпайтириш ва қайта ишлаш тармоқлари, айниқса машинасозликни мутаносиб ривожлантириш тадбирлари амалга оширилсин. Маҳаллий озиқ-овқат базаси мустаҳкамлансин. Қурилиш индустрияси, бинокорлик материаллари саноати, транспорт илдам суръатлар билан ривожлантирилсин.

Ғарбий Сибирь территориал-ишлаб чиқариш комплексини барпо қилиш давом эттирилсин. Нефть ва газ конларини қидириб топиш, қуриш ва ўзлаштириш кучайтирилсин. Мамлакатнинг Европа қисмига ва Сибирнинг жанубий районларига газ юбориладиган магистрал қувурлар қурилсин. 2-Сургут ГРЭСи қуриб битказилсин, Нижневартовск ва Уренгой ГРЭСларида қувватлар ишга туширилсин.

Кузбасснинг кўмир корхоналарини қуриш ва реконструкция қилиш жадаллаштирилсин. Катунь ГЭСи, Олтой азотли ўғитлар заводи ва Тюмень химия заводи қурилиши авж олдирилсин. Кузнецк металлургия комбинати реконструкция қилинсин. Ғарбий Сибирь жанубий районларининг ерларини мелиорациялаш ишлари давом эттирилсин. Олтой ўлкасидаги Алей суғориш системаси қуриб битказилсин ва Бурла суғориш системаси қурилиши давом эттирилсин.

1-Березово ГРЭСидаги энергетика блоклари ва 1-Березово разрезидаги кўмир қазиб чиқариш қувватлари ишга туширилсин, 2-«Бородинский» кўмир разрези қурилишига киришилсин, 2-Березово ГРЭСи қурилиши авж олдирилсин ҳамда Канск-Ачинск территориал-ишлаб чиқариш комплексини барпо этиш соҳасидаги бошқа ишлар амалга оширилсин.

Саян территориал-ишлаб чиқариш комплексида қурилаётган корхоналардаги қувватларнинг ишга туширилиши таъминлансин, Саян алюминий заводи қурилиши жадаллаштирилсин. Қуйи Ангара бўйи ресурсларини ўзлаштириш авж олдириб юборилсин, Богучани ГЭСи қурилиши давом эттирилсин, Ўрта Енисей ГЭСини қуришга оид тайёргарлик ишлари ва Горево қўрғошин-рух конини ўзлаштириш бошлансин. Озерний полиметалл конини ўзлаштиришга киришилсин, Тугнуй кўмир разрези қурилиши авж олдирилсин ва Харанор кўмир разрезининг қуввати оширилсин. Гусиноозерск ГРЭСининг иккинчи навбати ва Улан-Удэ 2-ТЭЦи қувватлари ишга туширилсин.

Байкал—Амур темир йўл магистрали бошидан охиригача доимий ишлатиш учун топширилсин, шу магистрал зонасининг хўжалигини кенг миқёсда ўзлаштиришга киришилсин. Жанубий Якутия территориал-ишлаб чиқариш комплексини барпо қилиш давом эттирилсин. Нерюнгрин ГРЭСининг иккинчи навбати қувватлари ишга туширилсин, Селигдар апатит заводи қурила бошлансин, Узоқ Шарқда коксланувчи маҳаллий кўмир ва темир рудасидан фойдаланиб металлургия базасини вужудга келтиришга тайёргарлик ишлари бажарилсин. Беркакит—Томмот—Якутск темир йўли қурилиши авж олдириб юборилсин.

Узоқ Шарқда рангли ва нодир металлар қазиб чиқариш кўпайтирилсин. Ёқилғи саноати ва электр энергетиканинг илдам ривожланиши таъминлансин. Оха—Комсомольск-Амур газ қувури, Вилюйск 3-ГЭСидаги ва Бурейск ГЭСидаги, комсомол 3-ТЭЦидаги ва Уссури ТЭЦидаги дастлабки агрегатлар ишга туширилсин. Усть—Средонеканск ГЭСи ва Якутск 2-ГРЭСи қурилишига киришилсин. Якутия АССРдаги Депутатский кон-бойитиш комбинати қуриб битказилсин. Балиқ овлаш ва денгиз маҳсулотлари олиш, юқори сифатли балиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Соя, шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпайтирилсин.

Шимол, Сибирь ва Узоқ Шарқ районларида кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шу районлар аҳолисининг турмуш даражасини илдамроқ ўстириш таъминлансин.

Шимол элатлари хўжалик фаолиятининг анъанавий турлари янги техника асосида такомиллаштирилсин.

**Украина ССР**да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 18—21 процент кўпайтирилсин. 1990 йилда электр энергия ҳосил қилиш 320 миллиард киловатт-соатга етказилсин. Чернобиль ва Запорожье атом электр станциялари қуриб битказилсин. Хмельницкий, Ровно, Жанубий Украина, Қрим атом электр станцияларида ва Одесса атом электроцентралида қувватлар ишга туширилсин, Харьков атом теплоэлектроцентрали Днепр ва Канев гидроаккумуляция электр станцияси қурилиши авж олдирилсин.

Биринчи навбатда Донбассда кўмир саноати ва қора металлургия корхоналарини реконструкция қилиш ҳамда техника жиҳатидан қайта қуроллантириш давом эттирилсин. Кривой Рог кон бойитиш комбинатида оксидланган темир рудани қайта ишлайдиган ва Таврия кон-бойитиш комбинатида марганец руда қазиб оладиган ва қайта ишлайдиган қувватлар ишга туширилсин. Химия саноатида ва машинасозликда маҳсулот ишлаб чиқариш тахминан 1,3 баравар кўпайтирилсин. Енгил саноат маҳсулотлари, айниқса зиғир толасидан тўқилган газлама ва трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш анча кенгайтирилсин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 13-15 процент кўпайтирилсин. 1990 йилда дон етиштириш 52-54 миллион тоннага, қанд лавлаги етиштириш 53-55 миллион тоннага, кунгабоқар етиштириш 2,9 миллион тоннага, сабзавот етиштириш 8,6 миллион тоннага, мева ва резавор етиштириш 4,5 миллион тоннага, гўшт етиштириш (сўйилган вазнда) 4,9-5 миллион тоннага, сут етиштириш 24,5-25 миллион тоннага, тухум етиштириш 16-17 миллиард донага етказилсин. Суғориладиган ерларда гарантияланган мўл маккажўхори дони етиштириладиган зона барпо этилсин. Беш йиллик мобайнида 500 минг гектар суғориладиган ва 640 минг гектар захи қочирилган ерлар фойдаланишга топширилсин.

**Белоруссия ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш** 22—25 процент кўпайтирилсин. Станоксозлик, приборсозлик, радиотехника, электрон ва электротехника саноати, чорвачилик ва ем ишлаб чиқариш учун машинасозлик илдам ривожлантирилиши таъминлансин.

Минск атом теплоэлектроцентралида биринчи энергетика блоки, «Новополоцкнефтеоргсинтез» бирлашмасида ҳамда Мозирь нефтни қайта ишлаш заводида нефть маҳсулотлари ва химиявий хом ашё, шунингдек Жлобин шаҳридаги Белоруссия металлургия заводида металлокорд ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилсин. «В. И. Ленин номли Минск трактор заводи» бирлашмасининг корхоналарини реконструкция қилиш ва кенгайтириш давом эттирилсин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 12—14 процент кўпайтирилсин. 1990 йилда дон етиштириш 8—8,2 миллион тоннага, картошка етиштириш камида 13 миллион тоннага, ем-хашак етиштириш 27—28 миллион тонна озуқа бирлигига, гўшт етиштириш (сўйилган вазнда) 1,2—1,3 миллион тоннага, сут етиштириш 7,1—7,3 миллион тоннага ва тухум етиштириш 3,4—3,5 миллиард донага етказилсин.

Беш йиллик мобайнида 520 минг гектар захкаш ва ботқоқ ерларнинг захи қочирилсин, шу жумладан 420 минг гектар ерда бу иш ёпиқ дренаж усули билан амалга оширилсин. Полесье пасттекислигидаги экинзорларни тошқиндан ҳимоя қилиш объектларининг биринчи навбати қуриб битказилсин.

**Ўзбекистон ССР**да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 24—27 процент кўпайтирилсин. Химия, электр-техника, енгил саноат, приборсозлик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш юқорироқ суръатлар билан ривожлантирилсин. Электр энергия ҳосил қилиш 25—27 процент, сульфат кислотаси ишлаб чиқариш 34—36 процент кўпайтирилсин. Ангрен кўмир разрезида, Янги Ангрен ва Толимаржон ГРЭСларида ва Ўзбекистон металлургия заводида қувватлар ишга туширилсин. Қишлоқ хўжалиги машиналари заводи қурила бошлансин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 14—16 процент кўпайтирилсин. 1990 йилда пахта толаси етиштириш 1,8—1,93 миллион тоннага, шу жумладан ингичка толали пахта толаси етиштириш камида 154 минг тоннага, дон етиштириш 3,2—3,5 миллион тоннага, ем-хашак етиштириш 20 миллион тонна озуқа бирлигига, гўшт етиштириш (сўйилган вазнда) 540—560 минг тоннага, сут етиштириш 3,3—3,5 миллион тоннага, тухум етиштириш 2,7—3 миллиард донага етказилсин. Мева, сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштиришни жадал ривожлантириш кўзда тутилсин.

Ишлаб турган суғориш системаларини реконструкция қилиш ва улардан фойдаланишни яхшилаш таъминлансин, беш йиллик мобайнида 360 минг гектар суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилсин, 1,1 миллион гектар яйловга сув чиқарилсин, сал кам 4,8 миллион гектар яйловга сув чиқариш системаси реконструкция қилинсин. Қарши ва Жиззах даштларини комплекс ўзлаштириш давом эттирилсин.

**Қозоғистон ССР**да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 23—26 процент кўпайтирилсин. Ёқилғи-энергетика комплексини, қора ва рангли металлургияни, машинасозлик, химия ва нефть химияси саноатини янада ривожлантириш кўзда тутилсин.

Павлодар-Экибастуз территориал-ишлаб чиқариш комплексини барпо қилиш давом эттирилсин. Экибастуз ҳавзасида кўмир қазиб чиқариш анча кўпайтирилсин. Майкюбен кўмир кони ўзлаштирила бошлансин. Экибастуз 2-ГРЭСида қувватлар ишга туширилсин, Экибастуз 3-ГРЭСи ва Жанубий Қозоғистон ГРЭСи қурилиши авж олдириб юборилсин. Шульба ГЭСи қуриб битказилсин.

Тенгиз нефть ва Қорачағаноқ газ-конденсат конларини ўзлаштириш жадаллаштирилсин. Жайрем кон-бойитиш ва Жезқазған кон-металлургия комбинатларида руда қазиб чиқарадиган ва қайта ишлайдиган қувватлар кўпайтирилсин, Шалқия кони ўзлаштирилсин. Бақирчиқ кон-металлургия, Қайрақти вольфрам, Кўктенкўл молибден ва Бўшкўл мис кон-бойитиш комбинатларининг қурилиши авж олдириб юборилсин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 13—15 процент кўпайтирилсин. 1990 йилда дон етиштириш 30—31 миллион тоннага, гўшт етиштириш (сўйилган вазнда) 1,4—1,5 миллион тоннага, сут етиштириш 5,4—5,5 миллион тоннага, тухум етиштириш 4,2—4,3 миллиард донага, жун етиштириш камида 120 минг тоннага, ем-хашак етиштириш 55—58 миллион тонна озуқа бирлигига етказилсин. Юқори сифатли қаттиқ ва кучли нав товар буғдой, шунингдек тариқ ва гречихани етиштириш анча кенгайтирилсин. Гўштбоп чорвачиликни, майин жунли ва ярим майин жунли қўйчиликни ривожлантириш давом эттирилсин. 670 минг гектар майдонда суғориладиган ерларнинг сифатини яхшилаш ва ишлаб турган суғориш системаларини техникавий жиҳатдан такомиллаштириш ишлари ўтказилсин. Беш йиллик мобайнида 410 минг гектар суғориладиган ер фойдаланишга топширилсин.

**Грузия ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 22—25** процент кўпайтирилсин. Электр-техника ва электрон, радио саноатини ҳамда приборсозликни илдам ўстириш таъминлансин.

Худон ГЭСидаги дастлабки агрегатлар ишга туширилсин, Грузия атом электр станцияси, Марнеули шаҳрида ностандарт асбоб-ускуналар заводи ва деталь-прокат заводи қурилиши, шунингдек Руставы металлургия заводини реконструкция қилиш ва Тбилиси ГРЭСини кенгайтириш бошлансин. Тоғ деҳқончилиги учун трактор ва машиналар ишлаб чиқарадиган завод ҳамда Кутаиси автомобиль заводининг иккинчи навбати қурилсин. Марабда—Ахалкалаки темир йўл линияси ишга туширилсин. Кавказ довонида темир йўл қурилиши бошлансин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 14—16 процент кўпайтирилсин. 1990 йилда навли чой барги етиштириш 650 минг тоннага, мева, резавор ва цитрус мевалар етиштириш 1,1—1,4 миллион тоннага, гўшт етиштириш (сўйилган вазнда) 230 минг тоннага, сут етиштириш 850—900 минг тоннага, тухум етиштириш 1,2 миллиард донага етказилсин. Беш йиллик мобайнида 60 минг гектар суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилсин ҳамда 35 минг гектар захкаш ва ботқоқ ерларнинг захи қочирилсин. Колхида пасттекислигидаги ерларни мелиорациялаш ва ўзлаштириш ишлари давом эттирилсин, мавжуд суғориш системалари реконструкция қилинсин. Курорт ва туризм хўжалигини янада ривожлантириш таъминлансин.

**Озарбайжон ССР**да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 22—25 процент кўпайтирилсин. Электрон ва радиотехника саноати, приборсозлик илдам ривожланиши, электр-энергетика, нефть химияси ва озиқ-овқат саноатининг янада ўсиши кўзда тутилсин. Каспий денгизида, республиканинг ғарбий ва марказий районларида нефть қидириш ва нефть конларини ишлатиш мақсадидаги пармалаш ишлари кенгайтирилсин. 1990 йилда 14—15 миллион тонна нефть қазиб олинсин.

Озарбайжон ГРЭСидаги қувватлар ишга туширилсин, атом электр станцияси ва Янги Боку ТЭЦи, шунингдек Кировобод шаҳрида юк автомобиллари заводи қурилиши авж олдириб юборилсин. Этилен ва пропилен ишлаб чиқарадиган ва қайта ишлайдиган қурилма ишга туширилсин

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 14—16 процент кўпайтирилсин, 1990 йилда ялпи дон ҳосили 1,6 миллион тоннага, пахта толаси 238 минг тоннага, сабзавот ва полиз маҳсулотлари 1,2 миллион тоннага, ем-хашак 7,2—7,4 миллион тонна озуқа бирлигига, гўшт етиштириш (сўйилган вазнда) 220—225 минг тоннага, сут етиштириш 1,2—1,3 миллион тоннага, тухум етиштириш 1,3 миллиард донага етказилсин. Беш йиллик мобайнида 600 минг гектар ердаги суғориш системаларининг техникавий ҳолатини яхшилаш ишлари ўтказилсин, 75 минг гектар суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилсин.

Каспий денгизи соҳилида умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган курорт зонаси барпо этиш ишлари авж олдирилсин.

**Литва ССР**да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 13—16 процент кўпайтирилсин. Ҳисоблаш техникаси, приборлар ва автоматлаштириш воситалари, маданий-маиший ва рўзғор моллари ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ривожлантирилсин. Химия маҳсулоти, гўшт ва сут консервалари, мебель, зиғир толасидан тайёрланадиган газламалар ва чарм пойабзал ишлаб чиқариш кенгайтирилсин. Игналин атом электр станцияси, Кайшядор гидроаккумуляция электр станцияси, Кедайн химия заводида олтингугурт кислотаси ишлаб чиқариш комплекслари, Мажейк нефтни қайта ишлаш заводида нефтни чуқур қайта ишлаш қувватлари, шунингдек СССР—ГДР темир йўл пароми қурилишида янги қувватлар ишга туширилсин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 14—16 процент кўпайтирилсин. 1990 йилда дон етиштириш 4 миллион тоннага, картошка етиштириш 2,5 миллион тоннага, ем-хашак етиштириш камида 11 миллион тонна озуқа бирлигига, гўшт етиштириш (сўйилган вазнда) 600—620 минг тоннага, сут етиштириш 3,2—3,3 миллион тоннага етказилсин. Бошқа республикаларга қорамоллар етказиб бериш учун зотли чорвачилик базаси кенгайтирилсин. Беш йиллик мобайнида 450 минг гектар захи қочирилган ерлар фойдаланишга топширилсин.

**Молдавия ССР**да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 22—25 процент кўпайтирилсин. Агросаноат комплексини ривожлантириш давом эттирилсин. Унинг самарадорлиги оширилсин. «Плодсельхозмаш» ва «Молдсельхозмаш» заводлари қурилиши, Бендери шойи комбинати реконструкцияси ниҳоясига етказилсин. Қудуқлар учун геофизика аппаратлари ва ҳисоблаш техникаси воситалари ишлаб чиқарадиган заводлар қурилсин. Газлама, трикотаж буюмлари, консерва ишлаб чиқариш кенгайтирилсин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 15—17 процент кўпайтирилсин. 1990 йилда сабзавот етиштириш 1,5 миллион тоннага, мева ва резавор етиштириш 1,7 миллион тоннага, сут етиштириш 1,4—1,5 миллион тоннага, гўшт етиштириш (сўйилган вазнда) 350—360 минг тоннага етказилсин, гибрид маккажўхори уруғини реализация қилиш 70 минг тоннага, кунгабоқар уруғини эса 10 минг тоннага етказилсин. Беш йиллик мобайнида 150 минг гектар суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилсин.

**Латвия ССР**да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш электрон, электр-техника, химия саноати ва алоқа воситалари саноати илдам ривожлантирилган ҳолда 13—16 процент кўпайтирилсин. Юқори сифатли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ривожлантирилсин, балиқ маҳсулоти турлари кўпайтирилсин. Енгил саноат ва қурилиш индустрияси корхоналарини техника жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш давом эттирилсин. Даугавпилс ГЭСида қувватлар, Рига шаҳрида саноат роботлари заводининг биринчи навбати ишга туширилсин, «Сарканайс металлургс» заводини реконструкция қилиш авж олдириб юборилсин. Республика хўжалигини газлаштириш жадаллаштирилсин.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 12—14 процент кўпайтирилсин. 1990 йилда дон етиштириш 2,3 миллион тоннага, картошка етиштириш 1,8 миллион тоннага, гўшт етиштириш (сўйилган вазнда) 360—370 минг тоннага, сут етиштириш 2—2,2 миллион тоннага етказилсин. Беш йиллик мобайнида камида 260 минг гектар зах ерларнинг захи қочирилсин.

Денгиз транспорти ва балиқ овлаш флотини ривожлантириш давом эттирилсин. Порт хўжалиги мустаҳкамлансин. Санаторий-соғломлаштириш муассасалари ва «Юрмала» курорти инфраструктура объектлари қурилиши жадаллаштирилсин.

**(Давоми 8-бетда).**

